

**МАМЛАКАТДА МАВЖУД ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИ БОШҚАРИШ
ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

Шерзод Солижонович Махсудов,
тадқиқотчи, Фарғона давлат университети,
Ўзбекистон, Фарғона ш.

Аннотация:

Ушбу мақолада, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва уни ривожлантириш, эркин иқтисодий зоналарга эвоюоцион ёндашув, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишда янги иш ўринлари яратиш, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, махсус иқтисодий зоналар: Эркин иқтисодий зоналар, махсус илмий –тадқиқот зоналари, туристик-рекреацион зоналар, эркин савдо зоналари, махсус саноат зоналари, амалаган оширилган экспорт ҳажми, ишлаб чиқариш маҳсулотлар ҳажми, яратилган иш ўринлар, таббий ва иқтисодий афзалликлар, эркин иқтисодий зоналар давлат томонидан тартибга солиш, эркин иқтисодий зоналар дирекцияси, эркин иқтисодий зоналарнинг энергия мустақиллиги, эркин иқтисодий зоналар бошқарув стратегияси ҳақида маълумот ёртилиб берилган.

Калит сўзлар: Эркин иқтисодий зоналар, саноатга ихтисослашув, фармацевтикага ихтисослашув, эволюоцион ёндашув, божхона чегараси, чет эл капитали, юқори технология, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, консигинация омборлари, экспорт ҳажми, ишлаб чиқарилган маҳсулотҳажми, ишсизлик сонини камайтириш, экологик тоза маҳсулот, энергия мустақиллиги, иш ҳаққи меъёрлари.

Аннотация:

в данной статье рассматриваются организация и развитие свободных экономических зон, инновационный подход к свободным экономическим зонам, создание новых рабочих мест при организации свободных экономических зон, развитие экспортного потенциала страны, особые экономические зоны: свободные экономические зоны, специальные научно-исследовательские зоны, туристические-рекреационные зоны, зоны свободной торговли, специальные промышленные зоны, объем экспорта, объем производства продукции, созданной, освещается информация о Дирекции Свободных экономических зон, энергетической независимости Свободных экономических зон, стратегии управления Свободными экономическими зонами.

Ключевые слова: свободные экономические зоны, специализация в промышленности, специализация в фармацевтике, эволюционный подход, таможенная граница, иностранный капитал, высокие технологии, социально-экономическое развитие, склады отгрузки, объем экспорта, производство продукции, снижение числа безработных, экологически чистая продукция, энергонезависимость, стандарты заработной платы.

Abstract:

This article discusses the organization and development of free economic zones, an innovative approach to free economic zones, the creation of new jobs in the organization of free economic zones, the development of the export potential of the country, special economic zones: free economic zones, special research zones, tourist and recreational zones, free trade zones, special industrial zones, the volume of exports, the volume of production of products created, information about the Directorate of Free Economic Zones is highlighted, energy independence of Free economic zones, strategies for managing Free economic zones.

Keywords: free economic zones, specialization in industry, specialization in pharmaceutical, evolution approach, customs border, foreign capital, high technology, socio-economic development, consignation warehouses, export volume, production of products, reducing the number of unemployment, environmentally friendly products, energy independence, wage standards.

КИРИШ

Хозирги даврда жаҳон иқтисодиётини тез ўзгариб бориши, жаҳон миқёсидаги иқтисодий глобаллашув ва интерацион шароитда рақобат тобора кучайиб бораётгани мамлакатимизни янада барқарор ва жадал суъартлар билан тарақий эттириш учун янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқариш ва амалга оширишни тақозо этмоқда.

Ривожланган хорижий мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда хозирги кунда эркин иқтисодий зоналар локоматив сифатида кўрмоқда. Эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этиш, бу мамлакатда ишсизлик сонини камайтириш, мамлакатнинг иқтисодий жихатдан кам ривожланган худудларини ривожлантириш, ахолини ижтимоий ва иқтисодий томондан қўллаб қувватларш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, замонавий ишлаб чиқариш ташкил этиш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариб, хорижий валюта кириб келишни таъминлаш иборатдир.

Мамлакатимизда хозирги кунда 22 эркин иқтисодий зоналар ташкил этилган бўлиб, 12 таси саноат ихтисослашган эркин иқтисодий зоналар, 6 таси фармацевтикама ихтисослашга эркин иқтисодий зоналар, 2 таси туристик эркин иқтисодий зоналар ва 2 таси қишлоқ хўжалигига ихтисослаш эркин иқтисодий зоналар хисобланади. Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган эркин иқтисодий зоналар ўзининг иқтисодий кўрсаткичлари билан миллий иқтисодиётнинг ривожлантиришда маълум даражада улушига эканлиги билан эътиборни тортмоқда.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш, иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти, уларни ривожлантириш масалалари бўйича кўплаб хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар тадқиқотлар олиб боришган. Хорижий олимларининг эркин иқтисодий зонани аниқлашга ёндашувлари эволюцияси. Божхона тартибга солишининг маҳсус шартларининг таъсири бўйича В.Андреев Импорт қилинадиган товарлар одатда божхона чегарасидан ташқарида

жойлашган, шунинг учун оддий божхона назорати ва солиққа тортилмайдиган мамлакат худудининг қисми деб таърифлаган[1].

Божхона олинмайдиган божхона режими хусусияти Божхона олинмайдиган режими орқали, шунингдек, бошқа иқтисодий фаолият ташқи иқтисодий фаолият рағбатлантириладиган ва хорижий инвестициялар жалб қилинадиган худуд.

Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида режими жорий этилиш хусусиятига кўра, И.Фаминский иқтисодий фаолиятнинг бир мамлакат учун умумий қабул қилинганига нисбатан имтиёзли режими тақдим этиладиган муайян худуд[2]. Инфратузилмасини ривожлантириш хусусиятига кўра, Э.Авдокушин Оффшор марказлар маҳаллий табиий ландшафт ва миллий-маданий ўзига хосликни ҳамда улар асосида халқаро туризмни ривожлантириш мақсадида ўз худудида рўйхатдан ўтган, лекин ундан ташқарида фаолият юритувчи фирмалардан маҳаллий бюджетта ташқаридан солиқлар жалб қилинади[3].

Географик жойлашув хусусиятига кўра, Н.Смородинская Миллий иқтисодий маконнинг бир қисми (географик худуднинг бир қисми, минтақа, иқтисодий фаолият соҳаси ёки ҳатто маълум бир корхона), бу ерда маълум бир иқтисодий имтиёзлар ва имтиёзлар мажмуаси ўрнатиладиган ва ишлайди, қолганларида фойдаланилмайди, иқтисодий макон эканлигини таъкидлайди[4]. Мақсад функцияси ва унинг таъминланиши кўрсатилган хусусиятига кўра, С.Овчинникова ЭИЗнинг ташкилий-хуқуқий шакли- бу тадбиркорлик фаолиятининг маълум бир мақсадли йўналиши ва ихтисослашувига, чет эл капитали ва ишбилармонларини кенг жалб этишга, ишлаб чиқаришни ичкилаштиришга ва ўзига хос, иқтисодий фаолият механизмига эга бўлган мамлакатнинг алоҳида худуд[5].

Асосий мақсад юқори технологияли маҳсулотларни ишлаб чиқариш хусусиятига кўра, А.Басенкова ва И.Бетурон Технопарклар, технополислар, рақобатдош маҳсулотларни ташкил этиш, ривожлантириш ва ишлаб чиқариш учун юқори даражада ривожланган тузилмалар шакли[6].

Ташқи савдо алоқаларининг ривожланиш хусусиятига кўра, В.Игнатиев ва В.Бутов Ташқи савдо, умумий иқтисодий, маҳсус, илмий-техникавий ва илмий-техникавий муаммоларни хал қилишга кўмаклашувчи резидентлар ва норезидентлар учун алоҳида имтиёзли шартшароитларга эга бўлган чегараланган худудлар, шахарлар, денгиз ва ҳаво портлари-деб таърифлаган.

А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажибакиев, Н.Г.Муминовларнинг фикрича, Эркин иқтисодий зоналар – шундай географик худудки, унда мамлакатда қабул қилинган хўжалик фаолияти тартибига қараганда имтиёзли солиқ тўлаш тартиби жорий этилади. Бошқача сўз билан айтганда, ушбу худудда давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашуви камайтирилади ва бу миллий иқтисодий маконнинг бир қисми бўлиб, мамлакатнинг бошқа худудларида кўлланилмайдиган маълум имтиёзлар тизими жорий этилади[7].

Тадқиқот методологияси

Мақолада гухрухлаш, таққослаш, умумлаштириш, қиёсий таҳлил ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тахлил ва натижалар

Мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш маҳсус иқтисодий зоналарнинг ўрни катта. Маҳсус иқтисодий зоналар ташкил этишдан мақсад янги иш ўринлари яратиш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятни ошириш ва мамлакат ички бозорини тўйинтириш ҳисобланади.

Маҳсус иқтисодий зона-тегишли ҳудудни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун чет эл инвестициялари ва маҳаллий инвестицияларни, юқори технологиялар ҳамда бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида маҳсус ажратилган, белгиланган чегараларга ва маҳсус хуқуқий режимга эга бўлган ҳудуд. Маҳсус иқтисодий зоналар қўйидаги турда ташкил этилиши мумкин: эркин иқтисодий зоналар; маҳсус илмий-технологик зоналар; туристик-рекреацион зоналар; эркин савдо зоналари; маҳсус саноат зоналари.

Эркин иқтисодий зона — янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, юқори технологик ишлаб чиқаришни ривожлантириш, замонавий рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган тайёр саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга фаол жалб этиш, шунингдек ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилмани ва логистика хизматларини ривожлантиришни таъминлаш мақсадларида ташкил этиладиган ҳудуд[8].

Маҳсус илмий-технологик зона — инновация инфратузилмасини ривожлантириш мақсадларида илмий ташкилотлар ва илмий фаолият соҳасидаги бошқа ташкилотлар (технологик парклар, технологияларни тарқатиш (технологиялар трансфери) марказлари, инновацион кластерлар, венчур фондлари, бизнес-инкубаторлар ва бошқалар) тўпланган ҳудуд.

Туристик-рекреацион зона — унда замонавий туристик инфратузилма обьектларини (мехмонхона комплекслари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва бошқа туристик аҳамиятдаги обьектларни), маҳсус фаолият кўрсатувчи ва мавсумий рекреацион дам олиш зоналарини туристларга хизмат кўрсатиш мақсадида зарур шарт-шароитларни таъминлаган ҳолда барпо этишга доир инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ташкил этиладиган ҳудуд.

Эркин савдо зоналари консигнация омборларини, маҳсус божхона ва солиқ режимлари бўлган ҳудудларни, шунингдек товарларга ишлов бериш, уларни ўраб-жойлаш, саралаш, сақлаш учун майдончаларни ўз ичига олади.

Эркин савдо зоналари чегара пунктларида, аэропортларда, темир йўл боғламаларида ёки Ўзбекистон Республикасининг бошқа божхона ҳудудларида ташкил этилади.

Маҳсус саноат зонаси — бошқарув, хўжалик ва молиявий фаолиятнинг алоҳида режими жорий этиладиган ҳудуд. Маҳсус саноат зоналари зарур маъмурий, илмий-технологик, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани барпо этиш учун ер участкаларини ажратиш орқали шакллантириладиган хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш зоналарини ўз ичига олади.

Мамлакатимизда ташкил этилган маҳсус иқтисодий зоналарнинг миллий иқтисодиётимизнинг ўсишида ва ривожланишида муҳим стратегик омил сифатида қаралмоқда.

Тадқиқотларимизни Фарғона вилоятидаги эркин иқтисодий зона, махсус саноат зона, технопарк ва кластерлар таркибига кирувчи корхоналар кесимда кўриб чиқамиз.

**1-жадвал Фарғона вилоятидаги эркин иқтисодий зона, кичик саноат зонаси
кластерлар таркибига кирувчи корхоналар тўғрисида маълумот.[9]**

(туман ва шаҳар кесимида) млн.сўм

2021(январ-декабрь)

т.р	КТУТ	Ҳисобот такдим этган корхоналар сони	Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти (млн.сўм)	Асосий капиталга инвеститция	Ҳисобот даври охирига ходимлар сони	Ҳисобот даври охирига мавжуд бўш иш ўринлари сони
1	Эркин иқтисодий зона бўйича жами	60	1180461	108441	2065	139
2	Кичик саноат зона бўйича жами	88	82088	25200	1008	153
3	Кластер бўйича жами	11	968469	59785	5966	41
	Умумий жами	159	2231018	193426	9039	333

Фарғона вилоятида “Қўқон” эркин иқтисодий зонасида 2022 йил январ ойида 60 та корхона фаолият юритиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 1180461млн. Сўм, асосий капиталга инвеститция 108441 млн. Сўм, хисобот даври охирига иш ўринлар сони 2065 нафар, бўш иш ўринлар 139 нафарни ташкил этган.


Кичик саноат зона бўйича, 2022 йил январ ойида 88 та корхона фаолият юритган, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 82088 млн. Сўм, асосий капиталга инвеститция 25200 млн. Сўм, хисобот даври охирига иш ўринлар сони 1008 нафар, бўш иш ўринлар 153 нафарни ташкил этган.

Кластер бўйича, 2022 йил январ ойида 11 та корхона фаолият олиб борган, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 968469 млн. Сўм, асосий капиталга инвеститция 59785 млн. Сўм, хисобот даври охирига иш ўринлар сони 5966 нафар, бўш иш ўринлар 41 нафарни ташкил этган.

“Қўқон” Эркин иқтисодий зонасида амалга оширилаётган ишлар Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги ЎРҚ-604-сонли “[Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида](#)” ги Қонуни хамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 апрелдаги 196-сонли “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида” ги қароридан келиб чиқиб ташкил этилмоқда.

“Қўқон” эркин иқтисодий зонаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги ПФ-4931-сон Фармонига асосан ташкил этилган. “Қўқон” ЭИЗ си жами 4 та

худуддан иборат бўлиб, 713,7 гектар ер майдонда жойлашган. Қўқон эркин иқтисодий зонаси хозирги кунда мамлакат иқтисодиёти учун саноат ихтисослашган бўлиб,



2-жадвал “Қўқон” эркин иқтисодий зонасининг 2019- 2022 йилларда иқтисодий фаолият динамикаси[10]

Қўқон эркин иқтисодий зонаси 2019 йилда яратилган янги иш ўринлар 1795 нафар, эркин иқтисодий зона иштирокчи бўлган корхоналарнинг амалга оширган экспорт ҳажми 101.1 млрд.сўм, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 1147 млрд сўм ташкил этган. 2020 йил яратилган ниги иш ўринлар 1721 нафар, амалга оширилган экспорт ҳажми 480 млрд сўмни, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 2432 млрд сўм, 2021 йилда яратилган янги иш ўринлар 2280 нафар, экспорт ҳажми 231.1 млрд сўмни, ишлаб чиқариш ҳажми 965.1 млрд сўмни ва сўнгги 2022 йил якунлари бўйича янги яратилган иш ўринлар 2008 нафар, амалга оширилган экспорт ҳажми 972.2 млрд сўмни, ишлаб чиқариш ҳажми эса 2745.1 млрд сўмни ташкил этган. Бу кўрсатгичлар мамлакатнинг мамлакатдаги ишсизликлар сонини камайишига, мамлакатга кириб келаётган валюта оқимини кўпайишига, ички бозорни таврлар билан тўйинтиришда муҳим омил бўлиб, макроиктисодий кўрсатгичларни яхшилашга, аҳоли тўрмуш даражасини оширишга олиб келди. Жадвалдан кўриниб турибдики, Қўқон эркин иқтисодий зонасида 2020 йилдаги кўрсатгичлар нисбатан пасайган.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Эркин иқтисодий зоналарнинг фаолиятини худуднинг табиий иқтисодий ва географик афзаликлари ва ЭИЗни яратиш ва қўллаб-қувватлаш учун асос бўлган давлат томонидан

тартибга солиш воситалари сифатида эркин иқтисодий зона иштирокчиларига инвеститция ва тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш, валюта режимида хар хил тўсиқларни олиб ташлаш, Эркин иқтисодий зона иштирокчиларига жонли ва жонсиз меҳнат ресурсларини бошқаришни шаффофликни таъминлаш, давлат томонидан берилган имтиёзлар тақсимотини хажми назоратни олиб бориш, жаҳон бозорига киришни назорат қилиш, солик режимини соддалаштириш муҳим ахамият касб этади. Эркин иқтисодий зоналарни иштирокчилари томонидан мамлакатга олиб келиниётган ипорт товарларни божхонаниг вактинчалик сақлаш омборларида туриш муддатларини кўриб чиқиши зарур.

Эркин иқтисодий зоналар иштикорчилари томонидан ишлаб чиқарилаётган товарларнинг экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтириш керак.

Эркин иқтисодий зона дирекцияси эркин иқтисодий зона учун энергия мустакиллиги ёки қайта тикланувчи энергия манбаларини излаб топиш керак бўлади.

Эркин иқтисодий зонанинг бошқарув стратегиясида минтақада фаолият юритаётган эркин иқтисодий зона иштирокчилари учун қўшни давлатлар Кирғизистон, Тожикистон ва Афғонистондан янги бозор топиш ва инвеститция киритиш учун шарт-шароитлар яратиш керак.

Дирекция эркин иқтисодий зона иштикорчилари томонидан ишчи ходимларга тўланаётган иш хаққи меъёрларни тартибга солиш бўйича

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Andreev V. Tashqi savdo. M., 1995. B.26
2. Ignatov V.G., Butov V.I. Erkin iqtisodiy zonalar, M., Os-89, 1997 - 192 b.
3. Avdokushin E.F. Erkin (maxsus zonalar). Proc. Foyda. M., 1993; Zamyatin B.I. Erkin iqtisodiy zonalar: tajriba, yaratish va rivojlanish muammolari. Proc. Foyda. M., 1993-33 b
4. Smorodinskaya N.V. Erkin zonalar va Rossiyada iqtisodiy tiklanish muammosi. M. 1996 yil, S. 36
5. Ovchinnikova S.G. Erkin korxonalar zonalar. Sankt-Peterburg, 1994 yil, 10-11-betlar
6. Basenko A.M., Beturan I.M. Jahon iqtisodiyotidagi erkin iqtisodiy zonalar: iqtisodiy mexanizmni tashkil etishning uslubiy muammolari. Rostov N/D 1998 yil, 19-bet
7. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўкув қўлланма. –Т.: Молия, 2010. 180-бет
8. ЎРҚ-604 сон Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида 17.02.2020 й
9. Фарғона вилояти статистика бошқармаси хисоботи
10. Маълумотлар тадқиқот натижалари асосида муалиф томонида тайёрланди
11. Махсудов, Ш. С. (2022). Эркин иқтисодий зоналарнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрни. Scientific progress, 3(4), 159-166.
12. Махсудов, Ш. С. (2022). Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг самарали йўналишлари.
13. Махсудов, Ш. С. (2022). Развитие свободных экономических зон в условиях трансформации рыночных отношений. Бюллетень науки и практики, 8(5), 450-456.

14. Махсудов, Ш. С. (2022). ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ ЎРНИ. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 1(9), 370-375.
15. Solijonovich, M. S. (2022). The role of government bodies in the development of free economic zones. INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(09), 132-137.
16. Махсудов, Ш. С. (2022). ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШРИШИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ. Gospodarka i Innowacje., 24, 993-995.
17. Solijonovich, M. S. (2022). THE ROLE OF ENGINEERING AND COMMUNICATION INFRASTRUCTURE IN THE ORGANIZATION AND DEVELOPMENT OF THE FREE ECONOMIC ZONE. ASIA PACIFIC JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT REVIEW ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603, 11(09), 97-102.
18. Solijonovich, M. S. (2023). THE INFLUENCE OF MACRO ENVIRONMENTAL FACTORS ON THE DEVELOPMENT OF FREE ECONOMIC ZONES. International Journal of Studies in Business Management, Economics and Strategies, 2(4), 21-26.
19. Burkhonovich, M. R., Solijonovich, M. S., & Muhriddin, A. (2022). DIRECTION FOR DETERMINING AND IMPROVING THE LEVEL OF LABOR PRODUCTIVITY. ASIA PACIFIC JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT REVIEW ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603, 11(09), 103-108.
20. Максудов Шерзод Солижонов (2023). ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРДАГИ КОРХОНАЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИГА ИННОВАЦИОН МУХИТНИНГ ТАЪСИРИ. Research Focus, 2 (1), 516-522.
21. Maxsudov Sherzod Solijonovich. (2023). THE INFLUENCE OF MACRO ENVIRONMENTAL FACTORS ON THE DEVELOPMENT OF FREE ECONOMIC ZONES. International Journal of Studies in Business Management, Economics and Strategies, 2(4), 21–26. Retrieved from <https://scholarsdigest.org/index.php/bmes/article/view/96>
22. Sh, KG (2020). O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyotida hududiy sanoat klasterlarini rivojlantirishning nazariy va iqtisodiy shart-sharoitlari. EPRA Xalqaro tadqiqot va ishlanmalar jurnali (IJRD) , 234-240.
23. Хонкелдиева, К. (2020). Актуальные вопросы повышения экономического потенциала текстильной промышленности. In Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования (pp. 13-15).
24. Ханкелдиева Гузал Шеровна (2017). Перспективы развития электроэнергетической отрасли республики Узбекистан в условиях модернизации экономических отношений. Бюллетень науки и практики, (12 (25)), 293-299.
25. Хамракулов, И. Б. (2022). Кичик саноат зоналарини ривожлантиришнинг моҳияти ва ўзига хос ҳусусиятлари. Scientific progress, 3(1), 328-334.